



“Ташаббусли бюджет”да
“танаффуссиз” иштирок
этиш мумкин

3-с.

Бажарилмаган ишга
ҳақ олиш гуноҳми?

“Менга 15 соат дарс ёзилган, лекин 10 соатини ўтаман.
Директор 5 соатнинг пулини унга беришимни айтди...”

8-с.



2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

МАҲАЛЛА МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА МИЛЛИЙ ТАФАККУРНИНГ ТАЯНЧИГА АЙЛАНАДИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва кўп миллатли халқимизга йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичини белгилаб берди. Бу галги Мурожаатноманинг аввалгилардан фарқли жиҳати, унда бугунги Ўзбекистон мустақил давлат сифатида 7-8 йил аввалги мамлакат эмаслиги аниқ таҳлиллар асосида очиб берилди.

Президентимиз Мурожаатномаси — халқ билан очик ва самимий мулоқотга асосланган, аниқ мақсад ва тизимларга эга дастурий ҳаракат режасидир. Мурожаатномада Ўзбекистонни янги даврга олиб бориш бўйича олти босқичдан иборат йўл кўрсатиб ўтилди. Бу йўл давлатимизнинг Янги Ўзбекистонга айланиш кудратини, Янги Ўзбекистон бўлиш масъулиятини ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий нуқтаи назардан шакллантириш масалаларини белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг сўзларида ўтган тўққиз йил ичида босиб ўтилган тараққиёт йўлига чуқур таҳлил, эришилган ютуқларга ҳолис баҳо ва энг муҳими, келажак учун қатъий ишонч мужассам. Ялпи ички маҳсулотнинг 145 миллиард доллардан ошиб, экспорт, инвестиция

ва олтин-валюта захиралари бўйича тарихий марраларга эришилгани ислохотларнинг қозғоғи эмас, амалда натижа бераётганининг яққол исботидир.

Жорий йилда 5 миллион аҳоли даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Илк бор 1 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди. Бу рақамлар оддий рақамлар эмас, уларнинг ортида қанчадан-қанча машаққатли меҳнат, шижоат ва матонат бор. Бу рақамлар ортида қанчадан-қанча қувонч, яна қанчадан-қанча ишонч бор...

Камбағаллик даражаси йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушгани қайд этилди. Аслида, битта оиланинг камбағалликдан чиқиши давлат ва жамият учун муҳим ҳодиса. Бу битта оиланинг рўзғори барқарор бўлди, болалари таълим-тарбияси, қўйингки, келажаги изга тушиб олди, дегани.

Мурожаатномада илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни таҳлил қилиб, уни ҳеч бир иккиланишларсиз тарихий мурожаат деб аташ мумкин.

Қўриб турибмизки, кейинги йилларда Ўзбекистон дунёда ўз ўрнини қатъий ғимоя қила бошлади. Миллий манфаатларимиз ҳам, мамлакатимизга жаҳон ҳамжамиятининг қараши ҳам ўзгарди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати Марказий Осиё кийёфасини янгилади. Минтақадаги иқтисодий манфаатлар билан бирга, Марказий Осиёга дунё афкор оммасининг эътиборини тортди.

Давоми 2-саҳифада.

БИР ЎЛКАКИ... Улуснинг бу улуг кунлари — аждодлар орзуси, авлодлар бахти!

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли — бу шунчаки рақамлар ўсиши эмас, аввало, одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, тинчлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлаш, ишонч ва адолатни жамиятнинг бош мезонига айлантириш эканини барчамиз амалда кўриб турибмиз.





Турсунбой АБДУЖАББОРОВ, “Нуроний” жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида айнан мана шу ғоя кучли, аниқ ва мақсадли вазифалар билан тегаран ифода этилди. Мурожаатномада нафақат бугунги кун натижалари сарҳисоб қилинди, балки эртанги кун учун ҳам катта режалар илгари сурилди.

Айниқса, 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши барчамизнинг дилимиздаги гап бўлди. Бу ислохотларнинг марказида инсон, унинг яшаш муҳити, маҳалладаги ижтимоий кайфият ва ҳамжиҳатлик туришини англатади.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари олдимизга қўйган юксак мақсадларни фақат ўзимиз — катта ҳаётий тажрибага эга маҳалла раислари ва фаоллари, нуронийлар, опа-сингилларимиз, сергайрат ёшлар, зиёлилар, ишбилармон тadbirkorлар, Ватан посбонлари, бир сўз билан айтганда, бутун халқимиз билан биргаликда амалга оширишимизни қайд этди. Худудлардаги ривожланиш даражаси, янги тараққиёт ислохотлари ҳақида сўз борганда, очиги, Қорақалпоғистон маҳаллаларидаги бугунги ва яқин ўтмишдаги манзаралар бирма-бир кўз олдидан ўтди.

Давоми 2-саҳифада.



СЕМИНАР Очиқлик, ҳисобдорлик ва самарадорлик — бош мезон!

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан 5-10 январь кунлари Қибрай туманида жойлашган “Навбахор сихатгоҳи мажмуаси”да семинар ташкил этилди.

Унда Уюшманинг 14 та — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари, 208 та — туман-шаҳар бўлимлари раҳбарлари иштирок этмоқда.

Мазкур семинар маҳалла тизимида амалга оширилган ишлар натижадорлигини таҳлил қилиш, соҳадаги мавжуд муаммолар ва 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифаларни белгилаш, тизим фаолиятида очиқлик, ҳисобдорлик ва самарадорликни таъминлаш мақсадида ташкил этилди.



Семинар доирасида иштирокчилар учун тиббий муолажалар, спортнинг волейбол, баскетбол, шахмат, шашка, стол тенниси турлари бўйича мусобақалар, миллий спорт турлари бўйича чиқишлар, “Заковат” интеллектуал ўйинларини ташкил этиш, очиқ мулоқотлар олиб бориш режалаштирилган.



МАҲАЛЛА МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмас раиси,
сиёсий фанлар доктори,
профессор.

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ МУҲИТИ ТАЪМИНЛанади

Мурожаатномада қайд этилганидек, сўнгги тўққиз йилда ислохотлар натижаси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон ҳаётида сезиларли даражада акс этмоқда. Бу эса маҳалланинг нафақат аънавий илмий ижтимоий институт, балки давлат ва жамият ўртасидаги энг муҳим кўприк сифатида шаклланаётганидан далолатидир.

Шу боис бугунги кунда маҳалла тизими давлат сиёсатининг қўйи бўғини сифатида эмас, балки аҳолининг дардини эшитиладиган, муаммоларни жойида ҳал этадиган, ижтимоий адолатни таъминлайдиган муҳим институтга айлантирилди. Мурожаатномада келтирилган рақам ва мисоллар маҳалла орқали амалга оширилаётган ислохотларнинг қанчалик самарали эканини кўрсатади. Хусусан, камбағалликни қисқартириш, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш борасида “маҳалла еттичилиги”га 100 дан ортиқ хизматларни бериш орқали мутлақо янги тизим яратилди. Маҳалла инсон тақдирига бевосита таъсир этувчи тизимга айланди.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши чуқур сиёсий ва ижтимоий маънога эга. Бу қарор маҳаллага бўлган эътиборни янги босқичга олиб чиқиб, уни маънавият, тарбия, ҳамжиҳатлик ва тараққиёт марказига айлантиришга қаратилган. Жумладан, 2026 йилги Давлат дастури доирасида юртимиздаги барча маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифа этиб белгиланишига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, маҳалла инфратузилмасига 20 триллион

сўм маблағ ажратилиши, ҳар бир сўм аҳоли учун қўшилган қиймат яратиши шарт экани белгилаб қўйилгани бу соҳада қатъий ва тизимли ёндашув мавжудлигини кўрсатади.

Маҳалла — бу фақат маъмурий ҳудуд эмас, балки асрлар давомида шаклланган миллий кадриятлар, яхши қўшничилик, ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик мактабидир. Ижтимоий сўровларга кўра, аҳолининг 90 фоизи ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми, деб ҳис қилиши маҳалланинг жамиятдаги ижтимоий қайталанмас маънавий эканини исботлайди.

ТАҚҚОС ВА ТАҲЛИЛЛАРДА ҲАҚИКАТ АКС ЭТАДИ

Дарҳақиқат, маҳалла тизимининг босқичма-босқич ўзгаришлар силсиласига назар ташласак, бундан 8-9 йил олдинги маҳалла билан бугунги маҳалланинг тамомилан фарқи борлиги яққол кўзга ташланади. Шу давр мобайнида маҳалланинг нуфузини ошириш, унинг ҳуқуқий макomini белгилаш бўйича улкан ислохотлар амалга оширилди.

Маҳаллада дастлаб “учлик”, “бешлик”, икки йил аввал эса “еттилик” тизими жорий қилиниб, дунёда ўқшаши йўқ бошқарув институти яратилди. Барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб ишлашни ўрганди. Маҳалланинг ижтимоий ва институционал мақоми ошди, шу орқали давлат халққа яқинлашди, давлат билан мулоқот осонлашди. Аҳоли муаммо ва эҳтиёжларининг 89 фоизи “маҳалла еттичилиги” орқали маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти.



Ўзгаришлар таққосларда, таҳлилларда яққолроқ намоён бўлади. Шу маънода маҳалланинг бундан 8-9 йил аввалги ҳолати ва бугунги манзарасига кўзгу тўтасак, янгиланишларнинг моҳиятини янада теранроқ англаймиз.

Аввал шундай вақтлар бўлдики, маҳалла кўмак сўраб келган фуқарога зарур ёрдам бера олмади. Чунки унинг ўзи ёрдамга муҳтож бўлган, даромад, кўмак манбаи бўлмаган. Ҳатто одамлар маҳалла раисига идора ишига ишонмай қўйганди. Чунки бу тизим амалда ҳеч қандай ваколатга эга эмас эди. Ишлашни истасан, ҳуқуқий асос йўқ эди.

Бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижасида маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ваколати оширилди, соҳа ривожига доир ҳуқуқий база яратилди, ҳар бир ҳудудда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги



тизим жорий этилди. Ҳар бир фуқаролар йиғинида ўзига хос ноёб тузилма — “маҳалла еттичилиги” фаолияти йўлга қўйилди.

Аввал пойтахтдан юзлаб чақирим узоқликдаги маҳаллаларда кўчалар асфальт бўлади, мактаблар қайта қурилади, қишлоқ болалари ҳам боғчага қатнайдди, тоза ичимлик сув келадди, хотин-қизларга маҳалланинг ўзида иш ўрни яратилади, деса, рости биров ишонмасди. Ёки бўлмаса, одамлар бюджет тақсимида иштирок этиши, ўз маҳалласи, қишлоғи ободлиги йўлида маблағ ютиб олиши имконсиздек юмуш эди.

Бугун ҳолислик ва виждон юки билан айтганда, обод қишлоқлару файзли маҳаллаларга ҳаммаининг, ривожланган юрт одамларининг ҳам ҳаваси келади. Бунёдкорлик нафаси кириб бормасин маҳалла қолмади. Айниқса, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида одамлар ўзлари ташаббус кўрсатиб, ҳудуддаги муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этапти.

Аввал маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ишлаб чиқариш корхонаси, тиқувчилик фабрикаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг бўлиши етиб бўлмас орзудек эди. Ёки олдинлари қайсидир маҳаллага чет эллик инвестор келганини ҳеч эшитганимиз? Йўқ. Улар Тошкентдан нарига боришга ҳайиқарди. Чунки эркин, қафолатли муҳит бўлмаган.

Бугун энг чекка маҳаллаларда ҳам хорижлик инвесторларни учратасиз. Бир эмас, қўллаб қўрасиз. Президент ташаббуси билан маҳалла тадбиркорлигини ривожлантирадиган, камбағалликка, ишсизликка барҳам берадиган институтга айланди. Ҳоким ёрдамчиси орқали “маҳаллабай” тизими асосида ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир фуқаронинг яшаш шароити ўрганилди, маҳаллаларнинг “ўсish нукталари” аниқланди. Шу асосда ишсиз фуқаролар

касб-хунарга ўқитиляпти, бизнесини бошламоқчи бўлганларга имтиёзли кредит ва субсидиялар берилляпти.

Аввал ёшларнинг мактабни тугатар-туғатмас хорижа ишлашга кетиши — одатий қадим қилинарди, уларни шу ерда ишли қилиш, касб-хунар ўргатишга эҳтиёж бор эди. Одамлар онгида “Аёл киши уйда ўтириши керак, улар фарзанд тарбияси билан шуғулланса, бас” деган нотўғри қараш шаклланиб қолганда иштирок этиши, ўз маҳалласи, қишлоғи ободлиги йўлида маблағ ютиб олиши имконсиздек юмуш эди.

Бугун ёшлар етакчиси кўмагида айни пайтда маҳалла ёшлари йиғинининг ўзида банд қилинляпти, тадбиркорликни бошлаляпти, тенгдошларини иш билан таъминляпти. Касб-хунар ўрганган, бир нечта чет тилларни ўзлаштирганлар ҳар бир маҳаллада топилади. Хотин-қизлар фаолининг маҳалладаги саъй-ҳаракатлари туфайли жамиятда, маҳаллада, уйда аёлларга нисбатан муносабат ўзгарди, қизларни ўқитишга интилиш кучайди.

Аввал ижтимоий ҳимоя айрим одамларни ўзини ўнглаб олишига эмас, ёрдам кутиб яшашга ўргатиб қўйганди. Ноғиронлиги борларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, касбга ўргатиш орқали ҳаётга қайтаришга етарлича эътибор берилмаганди.

Бугун маҳаллаларда ижтимоий ходим лавозими жорий этилган, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратишда бюрократиядан холи ва маҳалланинг ҳамжиҳатлигини ақс эттирувчи янги тартиб ишга тушди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби такомиллаштирилди, муҳтожларнинг ҳар бири бўйича индивидуал ижтимоий хизматлар дастури яратилди.

Аввал профилактика инспек-

тори маҳаллада одамларга энг яқин кўмакчи саналса-да, 2-3 та маҳаллага битта ходим бириктирилгани боис айрим ҳолларда уларни керак пайтда топиб бўлмади. Қолаверса, улар қўшни қишлоқ ва туманлардан катнаб ишлашга мажбур эди. Бир ҳафтада бир ёки икки марта келадиган инспектор билан маҳаллаларни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш амримаҳол эди.

Бугун ҳар бир маҳаллада про-филактика инспектори фаолият юритмоқда, улар “маҳалла еттичилиги”нинг ажралмас аъзоси саналади. Уларга кечаю кундуз хизмат қилиши учун ишляётган маҳалласининг ўзида хизмат уйлари қуриб берилди. Халқимизнинг уларга ишончи ошди, ҳар бир фуқаро ўз хавфсизлиги қафолатини про-филактика инспектори тимсолида кўрляпти.

Аввал солиқ билан боғлиқ ҳолатлар кўпинча одамларни, маҳалладаги тадбиркорларни қийнаб қўярди. Хат-хўжжати жо-йида, солиқларни ўз вақтида тўлаётган тадбиркор ҳам “солиқчи келяпти” деса, икки оёғини бир этикка тикарди.

Бугун солиқ инспектори — аҳоли ва тадбиркорларнинг ҳақиқий кўмакчисига айланди. Энг муҳими, эндиликда аҳолининг мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи маҳалла бюджетида қо-рилади. Бу — ҳар бир маҳалланинг 100 миллион сўмгача маблағи бўлади, дегани. Ушбу маблағлар маҳаллада иш ўрни яратадиган, аҳолининг оғирини енгил қилади-ган лойиҳаларга йўналтирилади.

Бу таққосларни яна узоқ да-вом эттириш мумкин. Маъна-вий-маърифий соҳа, китобхон-лик, соғлом турмуш тарзи, ёшлар тарбияси, маҳалланинг таълим муассасалари билан ҳамкорлиги каби қўллаб масалаларда узвий-лик йўқолиб қолганди, бу борада маҳалланинг ўрни сезилмасди, қамров жуда тор эди.

Бугун-чи? Саккиз йил олдин жамоатчилик асосида фаолият юритган маҳалла бугун халққа энг яқин, одамлар ишонадиган, таянадиган чинакам бошқарув бўғинига айланди. Эндиликда маҳалладаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, яъни бу бо-рада бошланган ишларни янада жонлантириш бўйича навбатдаги муҳим қадамлар ташланмоқда.

Мурожаатномада дунёда со-дир бўляётган ва яқин-яқингача ҳеч ким тасаввур қила олмаган ўзгаришлар, давлатлар ўртаси-да иқтисодий қарама-қаршилиқ, хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган бугунги кунда миллий бирлик ниятда муҳим аҳами-ятга эга экани таъкидланди. Шу боис мамлакатимиз раҳбари Ва-тан ва халқимиз манфаати йўли-да барчани бирлашишга даъват этди. Зеро, бугунги таҳликали ва-зиятда қўллаб муаммоларни бир-галикда ҳал этиш зарурати ҳам ортиб бормоқда.



Давлатимиз раҳбари ноёб институт бўлган маҳалланинг ўрнини теран очиб берди. Халқимизни бирлаштиришда ҳамда қўллаб муаммоларни жойида бартараф этишда унинг ўрнига юксак баҳо берилди. Бу бежиз эмас. Чунки маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади.

Юқорида билдирилган фикр-лардан келиб чиқиб, фаолияти-мизда устувор бўладиган бир қатор муҳим вазифаларни белги-лаб олганмиз.

Энг аввало, маҳалла раисла-ри “еттилик” билан елкама-елка ишлар экан, ходимларни усту-вор мақсадлар сари сафарбар эта олиши лозим. Аҳолига муносиб яшаш шароитларини яратишда ўз қобилияти, истеъдодини ишга солиб, изланиши, ҳаётни, аҳоли яшаш тарзи ва дунёқарашини чуқур ўрганиши керак. Энди улар ҳудуд раҳбари ўлароқ, ҳар бир оила, ҳар бир инсон тақдирини учун масъулиятни зиммасига олиши, маҳалла аҳлининг фикр-ўйлари, мақсадларини иш фаолияти орқали ифода этиши зарур. Улардан талаб қилинадиган энг асосий жиҳат, бу — фуқароларни ўз ор-тидан эргаштириши, уларнинг ташаббус кўрсатиши, янги-янги ёғаларни ўртага ташлаши, ис-лохотлар жараёнига дахлдорлиги ҳисси билан яшашига кўмаклаши-шда намоён бўлади.

Ҳоким ёрдамчилари аҳоли ўр-тасида яхши даромад олиш, яхши яшашга интилиш, касб-хунар ўрганиш, тадбиркорликни йўл-

УЛУСНИНГ БУ УЛУҒ КУНЛАРИ — АЖДОДЛАР ОРЗУСИ, АВЛОДЛАР БАХТИ!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланганидан кейин давлат раҳбари сифатида биринчи ташрифини қорақалпоқ заминидан бошлади. Бунги қорақалпоғистонликлар яхши эслайдиги. Минтақада барча ислохотлар мавжига туртки берилди. Улуснинг улуғ кунлари бошланди.

Ушандан буён қанча ойу йиллар, қанча сувлар оқиб ўтди. Шу вақт оралигида Президентимиз Қорақалпоғистонга қўп маротаба ташриф буюрди. Ҳар бир ташриф воҳа аҳлининг оғи-



рини енгил қилиш, турмуш тарзини яхшилаш, шахар ва қишлоқлар инфра-тузилмасини шакллантириш ва тақомиллаштириш билан боғлиқ бўлди. Бу давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон халқига кўрсатган юксак ҳур-мат-эътиборидан далолат беради.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ҳар бир ташрифи меҳнатқаш, танги элимиз қалбига эзгу мақсадларни уйғотади. Айниқса, Президентимизнинг ташрифи энг чекка туманлардан, маҳаллалардан бошлаши одамларда янги орзу-мақсадлар руҳини янада мустаҳкамлади. Ҳар сафар ташрифи

қузатар эканман, давлатимиз раҳбарининг қадим қорақалпоқ заминига қўйган қадами нақадар қутлуг келаётгани тўғрисида уйлайман.

Мисол учун, Мўйноқ туманини олинг. Уйлаб қарасак, яқин-яқингача бу ҳудуд ҳақида сўз юритганда мунгайиб қонардик. Жадал ўзга-ришлар, бунёдкорлик сабаб ҳозир фахрланамиз. Бу ердаги янгиланишлар ҳар қанча гапиришга арзийди. Фақат бугина эмас. Тўртқўлдан тортиб Бўзатовгача. Тахтақўпир Чимбой, Кегейлию Шуманайга қадар — барча жойда халқ розилиги йўлида олам-шумул ўзгаришлар юз берди.

Ўйланиб қолам.
Биз қандай кунларни кўрган эдик...
Халқ дарди, ташвишлари, муаммолари айтилар эди.
Лекин ваъдалар бажарилмасди.
Бугун шахсан Президентимиз ташаббуси билан ҳамма-сининг аниқ ҳисоби бор.
Вазифалар белгиланган, ижроси назоратда, натижаси халқ фаровонли-гида намоён.

Бир вақтлар халқимизни кўпроқ қайси муаммолар қийнади: ичимлик суви, электр энергиясидан узилишлар, газ таъминотидаги ноқулайликлар, таъмирталаб йўллар, уй-жойлар етишмаслиги, ишсизлик, касб-хунар бўйича малака, камбағаллик...

Президентимиз халқимиз кўнглидан кечаётган ниятлар, мақсадларни ҳамма қалбан ҳис қилади. Одамлар нима деяётган бўлса, Президент ҳам шу муаммоларни илгари суради ва уларнинг ечими топилади. Шу маънода илгари иш топиш илнжиде юрган одамлар юмушли бўлди, уларнинг рўзғорига барака инди. Авваллари қорақалпоқ ахли учун орзу бўлган, тушларига ҳам қирмаган улкан режалар бугун ҳаётга кўчмоқда. Минтақада мактаблар, боғчаларнинг янги бинолари қурилди, иш ўринлари яратилиб, қишлоқ ва шахарлар инфратузилмалари яхшиланди. Бугун Қорақалпоғистон, унинг шахарлари овуллари буткул янги қиёфага киргани рост.

Давлатимиз раҳбарининг қорақалпоқ эли билан бўлган учрашувларидаги маърузаларини тинглар эканман, бугунги кунгача Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун қилинган барча ишлар сарҳисоби келгуси юксак мақсадларнинг

дебочаси эканини англадим. Энг асосийси, бу халқни сиёсат аллақачон бошлаб юборилган. Биргина мисол, қорақалпоғистонлик оналар фарзандлари мактабда бепул озиқ-овқат билан таъминланаётганидан мамнун бўляётгани кувонарли ҳолдир.

Мен ҳар сафар Президент билан учрашувдан кейин одамларнинг кўтаринки руҳини кўриб қувонаман. Давлатимиз раҳбари халқимизга Мўйноқ мисолида ҳам, Қорақалпоғистондаги бунёдкорлик мисолида ҳам ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, ҳамкорлик, дўст-биродарликнинг куч-қудратини англатди. Масалан, барча вилоят раҳбарлари туманларга, туман раҳбарлари маҳаллаларга бириктирилгани дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлади. Бу ҳар бир туманга янги инвестиция лойиҳалари, катта маблағлар кириб келишига сабаб бўлди.

Бугун қорақалпоқ эли қаддини янада баланд кўтарадиган фурсат келди. Халқимиз улкан бунёдкорликлар иштирокчиси бўляётганидан мамнун. Ҳар бир фуқаро — ёшучи қари Орол инқирози оқибатларини юмшатиш, деҳқончиликка янги технологиялар олиб кириш, овуллар ободлиги, сув танқислиги борасида давлатимиз раҳбари белгиллаб бераётган вазифалар амалга ошишига ишонади.

“...биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик.

Бунинг тасдиғини тобора янгича қиёфа касб этиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизда, замонавий корхоналар, савдо-сервис масканлари, мактаб, боғча ва шифохоналар, обод кўча ва маҳаллалар, транспорт-логистика тизими, рақамли хизматлар мисолида яққол кўриш мумкин”.

Mahalla

№1 | 2026 йил 7 январь, Чоршанба

МИЛЛИЙ ТАФАККУРНИНГ ТАЯНЧИГА АЙЛАНАДИ

га қўйиш, томорқадан самарали фойдаланиш ҳаракатини жонлантириши лозим. Зотан, фаровонликка ўз-ўзидан эришилмайди. Бу — тинимсиз изланиш, интилиш демакдир. Қўринадики, бу жараёнда маҳалла ходимлари масъулиятни бўйнига олиши, ташаббус кўрсатиши, янги-янги гояларни ўртага ташлаши зарур.

Ёшлар етакчилари учун маҳалла ёшлари билан кўпроқ мулоқот қилиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларига ечим топиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш кундалик вазифага айланиши лозим. Ёшларни ҳар қандай маънавий ва мафкуравий тахдидлардан ҳимоя қилишда, аввало, бир-биримизга, кўни-қўшниларга, кўчамизда, маҳалламизда униб-ўсиб келаётган болалар тарбиясига бефарқ бўлмаслик, бу борада жон қуйдириш, том маънода “ҳар бир болага ҳам ота, ҳам она, ҳам устоз, ҳам тарбиячи” бўлишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Хотин-қизлар фаоллари маҳалладаги аёлларнинг, қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириши, уларнинг ташаббусларини ҳаётга таъбиқ этишда қўлмақчи бўлиши лозим. Маҳалладаги ҳар қандай жараёндан хабардор бўлиш, оилалар мустақамлигини таъминлаш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш уларнинг зиммасидаги энг муҳим вазифадир. Оилавий муаммоларни ўрганиш, уларга мақсадли ёрдам кўрсатиш, психологик ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш каби ишлар ҳам на-зардан четда қолмаслиги керак. Маҳаллада тўй-ҳашамларни ихчам, дабдабадан холи, исрофгарчиликсиз ўтказиш, эрта ва шаръий никоҳга йўл қўймаслики учун бор куч ва билимни ишга солимоқ лозим.

Ижтимоий ходимлар маҳаллада ҳеи кимни меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслиги керак — етим-есирлар, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотган оилалар, яқка-ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш маҳалла фаолиятининг энг муҳим мезонига айланмоғи лозим. Улар билан ҳар куни ишланса, озгина ҳаловатдан кечилса, шубҳасиз, юқори натижага эришилади.

Солиқ инспекторлари маҳалла бюджетини шакллантиришда жонбозлик кўрсатиши шарт. Солиқ йиғимларининг маълум қисми маҳалла ҳисобида қолишини аҳолига тўғри тушутирган ҳолда, уларнинг солиқ тўловларини ўз вақтида амалга оширишига эришиши лозим.

Профилактика инспекторлари йиғинни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришга “еттилик” ҳамда мутасадди ташкилот ва идораларнинг куч-воситаларини сафарбар этиши, “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!”, “Боланинг бегонаси бўлмайди!” каби давватларни амалий ҳаракатга айлантириши зарур.



Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Президентимиз кўп бора таъкидлайдиган **“Маҳалла — халқ виждони”** деган тамойил ҳар бир маҳалла ходимининг шуурига кириб борса, унинг моҳиятини теран англаб етса, кундалик иш фаолиятини ана шу гоя асосида олиб борса, ўйлаймизки, маҳаллаларимиз чин маънода виждон кўзгусига, қалблар таскин топадиган масканга, одамларнинг орзу-инти-лишларини ифода этадиган мустаҳкам кўрғонга айланади.

МАҲАЛЛАПАРВАРЛИК ҲИССИ ЮКСАЛАДИ
2026 йилнинг юртимизда *“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”* деб эълон қилиниши, бу — жамиятни қуйи бўғиндан бошлаб мустақамлашга қаратилган узоқни кўзлаган стратегик қарордир. Зеро, маҳалла шунчаки жамият бошқарувининг қуйи тизими бўлибгина қолмай, асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналарни беэавол сақлаб келаётган эзгулик ва тарбия бешиги, яхши кўшничилик ва ҳамжихатлик маскани ҳамдир.

Юртдошларимизнинг деярли барчаси ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми, деб ҳисоблайди. Ушбу институт, албатта, ижтимоий бирдамлик манбаига айлан-ди. Айниқса, кейинги йиллардаги ислохотлар ва лойиҳалар натижасида **маҳаллапарварлик ҳисси** тобора юксалди. **Маҳаллапарварлик ватанпарварлиқнинг амалий кўринишларидан бири** ҳисобланади.

Юрт ободлиги, аввало, маҳалладаги шароитлар билан ўлча-нади. Йўл, сув, электр, транспорт, боғча, мактаб ва тиббиёт муассасаларидаги янгилинишлар — аҳо-лининг турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиб бораётганини кўрсатиб берувчи муҳим жиҳатлардир. Шу боис келгуси йилдан маҳаллани ривожлантириш

бўйича комплекс ёндашув жорий этилади.

Жумладан, ҳар бир вилоятда 2-3 тадан туманини танлаб, ҳамма маҳалласидаги мавжуд муаммоларни бир вақтнинг ўзида халқ қиладиган тизим яратилади. Бу бир неча йил давомида амалга оширилган “Обод маҳалла” дастури бир неча баробар кенгайишини англатади. Эндиликда маҳалла ободлигидан туман ободлигига ўтилиши маҳалланинг бир вакили сифатида ҳаммани қувонтиради.

Давлатимиз раҳбари бу янги тажриба Ургут туманида бошланганини қайд этди. Туманда 100 минг аҳолига мўлжалланган замонавий экошаҳар барпо этилади. Янги Ўзбекистон қиёфаси олиб кириладиган 33 та туман ва 330 та шароити оғир маҳалладаги ишлар ҳам шундай ташкил қилинади. Уларда бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик инфратузилмаси ривожлантирилади. Бу ишларга барча манбалар ҳисобидан **8,5 триллион сўм** ажратилиши, депутатларга ўз ҳудудидаги муаммоларни ҳал қилиши учун **500 миллиард сўм** берилиши ислохотларнинг халққа янада яқинлашганидан далолатдир. **2030 йилгача шароити оғир барча туманлардаги маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфаси киритилади.**

Келгуси йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлан-тириш учун **20 триллион сўм** тўғридан-тўғри вилоятларнинг ўзига берилади. Энг муҳими, ҳар бир сўм иш ўринлари ташкил қилиш, аҳоли даромадини оширишга хизмат қиладиган аниқ лойиҳаларга йўналтирилади. **“Марҳамат, қайси маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири лойиҳа қилиб, уни асослаб берса, зарур амалиёт олсин. Шунда адолатдан бўлади. Бу – бюджет маблағларини самарали ишлатишда лойиҳавий ёндашув бўлади”**, — деди Президентимиз.

Камбағаллиқни қисқартириш

масаласи умуммиллий ҳаракатга айланиши натижасида сўнгги йилларда миллионлаб одамлар камбағалликдан чиқарилди. Бу йўлда тадбиркорлар ҳал қилувчи куч сифатида қўллаб-қувватланмоқда. 2026 йилда ҳам солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолдири-либ, кичик ва ўрта бизнесга улкан молиявий ресурслар йўналтири-лади. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини ривож-лантиришга алоҳида эътибор қаратилади. **Бу жараёнда “маҳалла еттилиги” ҳаракатга келтирувчи тузилма сифатида майдонга чиқади.**

Ҳар бир маҳаллада 40 тадан микролойиҳани амалга ошириб, 360 минг аҳолини ишли қилиш учун маҳалла банкирлари ва ҳо-ким ёрдамчиларига 2026 йилда яна 7,5 триллион сўм ресурс ажратилиши таъкидланди. Бу ўз навбатида аҳолини, айниқса, ёшларни, хотин-қизларни маҳал-ланинг ўзида банд қилиш, даромадли меҳнатга жалб этиш имко-ниятини беради.

Янги йилда маҳаллалардаги аҳолини спортга кенг жалб этиш, бунинг учун зарур инфратузил-мани яратиш бўйича уч йиллик дастур қабул қилинади. Бу орқали бугунги кунда соғлом турмуш тар-зини кенг жорий этиш борасида олиб бораётган ишларимиз янги босқичга кўтарилади. Маҳалла ёшларининг китобхонликка бўл-ган қизиқишини янада оширишда мактаб кутубхоналари ҳар йили 10 миллион дона бадий адабиёт-лар билан таъминлаб борилади. Натижада маҳаллаларда китобхон оилалар, ёшлар сафи кенгайди, илмга интилиш кучаяди.

Ана шундай сазъ-ҳаракатлар туфайли 2026 йилда 1 миллион киши доимий иш билан таъмин-ланиб, 181 мингта оила камбағал-ликдан чиқарилади. Камбағал-лик ва ишсизлик даражаси **4,5 фоизга** туширилиб, камбағал-ликдан холи маҳаллалар сони **3,5 мингтага** етказилади.

МАНФААТ ВА МАҚСАДЛАР БИР НУҚТАДА БИРЛАШАДИ

Маҳалла — одамлар тақдири-ни боғлайдиган ижтимоий ришта, кўни-қўшничилик масъулияти-ни тарбиялайдиган ҳаёт макта-би. Жамиятдаги ислохотларнинг ҳақиқий ўлчови ҳам одамлар ҳа-ётдаги ўзгаришлар билан, яъни маҳалладаги қайфият, фаровон-лик ва адолат ҳисси билан баҳо-ланади. **Маҳалла қаерда кучли бўлса, ўша ерда жамият барқа-рор, инсон кадрри улуғ, тараққи-ёт эса халққа яқин бўлади.**


Президентимизнинг Мурожа-атномаси айнан шу мазмунда — давлат ва жамият тараққиёти учун стратегик йўналишларни белги-лаб берган муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида яна бир бор ўз аҳмиятини намоён этди. Унда ислохотларнинг марказида **инсон манфаати, халқ билан мулоқот, очиклик ва ҳисобдорлик** тамо-йиллари тургани, энг муҳими — **давлат сиёсати жойларда, аҳоли-га энг яқин бўгин орқали амалий натижага айланиши** кераклиги яққол сезилди.



2026 йилга “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб ном берилгани рамзий шиор эмас, балки ислохотларнинг ижтимоий таянч нуқтасини аниқ белгилаб берувчи дастурий ёндашув сифатида намоён бўлмоқда.

Бу гоёнинг моҳияти оддий, аммо жуда муҳим: фуқароларнинг эҳтиёжи, дарди ва муаммоси, би-ринчи навбатда, маҳалла даража-сида кўринади. **Демак, адолатли ва самарали бошқарув ҳам айнан шу ердан — одамлар кундалик ҳаётига энг яқин нуқтадан бош-ланиши лозим.** Маҳалла бугун фақат маъмурий ҳудуд эмас, у фуқаролик жамиятининг табиий таянчи, жамоатчилик назорати ва ҳамжихатлик маданияти қарор то-падиган муҳит, аҳолини давлат қарорлари қабул қилинишига яқин-лаштирадиган амалий майдонга айланмоқда.

Аҳоли фаровонлигини оши-ришда маҳаллага ресурс ва ва-колатларни туширишга қаратил-ган ташаббуслар сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб бермоқда. “Ташаббусли бюджет” доираси-да маҳалла аҳолиси ўз ташаббу-си билан йўл, сув, мактаб, боғча каби муҳим лойиҳаларни илгари сурса, ҳаражатнинг бир қисми-ни давлат қоплаб бериши тизими кенгайиши — фуқаронинг қарор қабул қилишдаги иштирокини амалий мазмун билан тўлдир-ди. Бундай тизимларда “давлат — ичкочи, халқ — қузатуви” эмас, балки **“халқ – ташаббускор, дав-**



лат – қўллаб-қувватловчи” тамо-йили мустаҳкамланади. Натижада маҳалладаги ишонч, масъулият ва жамоавий назорат кучаяди.

Эътиборли жиҳати шундаки, Мурожаатномадаги ёндашувга кўра, маҳалла фақат “ёрдам тарқа-тадиган” ёки “муаммо рўйхатлай-диган” бўғинга айланиб қолмасли-ги лозим. Аксинча, у инсон сало-ҳиятини ишга соладиган, бандли-ни кенгайтириб, оила даромадини оширадиган, профилактика ва тарбия орқали ижтимоий муҳитни соғломлаштирадиган тизим сифа-тида кўрилкоқда. Шу боис ҳар бир маҳаллада ихтисослашувни тўғри белгилаш, микролойиҳаларни шакллантириш, бўш турган дав-лат мулкни аукционга чиқариш ваколатларини кенгайтириш, ту-шумининг муайян улушини маҳал-ланинг ўзида қолдириш каби қарорлар **“фаровонлиқни маҳалла-дан бошлаш”** гоёсини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Мурожаатномадаги яна бир муҳим жиҳат — **маҳаллани дав-лат ва жамият ўртасидаги ишонч кўприги сифатида мустаҳкам-лашдир.** Чунки маҳаллада банд-лик, камбағаллиқни қисқартириш, ёшлар тарбияси, оила мустаҳкам-лиги, экологик маданиятни оши-риш каби масалалар маъмурий кўрсатма билан эмас, жамоатчи-лик фикри, маҳалладаги ҳаётий тажриба ва ижтимоий шериклик орқали барқарор ечим топади. Шунинг учун “маҳалла еттилиги” фаолиятини комплекс баҳолаш, жойларда ягона жамоа бўлиб ишлаш, ҳар бир ташаббусни аниқ лойиҳага айлантириш каби талаб-лар амалда фуқаролик жамияти-нинг самарадорлик мезонига ай-ланиши керак.

Сирасини айтганда, 2026 йил-нинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб белгиланиши маҳаллани кучайтириш орқали халқ фаровон-лигини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг мантиқий давомидир. Маҳаллага ресурс ва ваколатларни тушириш, хизмат-ларни аҳолига яқинлаштириш, ташаббускор фуқароларни қўл-лаб-қувватлаш, инфратузилма ва бандлик лойиҳаларини кенгайти-риш — буларнинг барчаси инсон кадрини таъминлашга, ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

Президентимиз таъкидлагани-дек: **“Биз – бугун 38 миллиондан зиёд катта халқмиз. Машаққатли ва шарафли меҳнатимиз билан дунёда ҳурмат топаётган, эр-танги кунга ишонч билан дадил бораётган, матонатли ва ғурури банд миллатмиз!”**

Бу сўзлар Янги Ўзбекистон ислохотларининг мазмун-моҳия-тини, халқимизнинг куч-қудрати ва келажақка бўлган ишончини яққол ифодалайди. 2026 йил эса ана шу ишончини амалда тас-диклайдиган, тараққиёт тарихи-мизда янги саҳифа очадиган йил бўлади, албатта!

■ ■ ■ ■ ■ ТАРТИБ

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” ДА “ТАНАФФУССИЗ” ИШТИРОК ЭТИШ МУМКИН

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори билан “Ташаббусли бюджет” жараёнларига ўзгартиришлар киритилди.

Ҳужжатга асосан, эндилик-да лойиҳалар қолиб деб топили-ши учун **минимал овоз сони 50 та (аввал 10 та эди)** этиб белгиланди. Яъни лойиҳалар овоз бериш босқи-чида камида 50 та овоз тўплаши шарт. Мазкур талаб лойиҳаларнинг кейинги жараёнларда, жумладан, қўшимча қолибларни аниқлаш босқичида ҳисобга олиниши учун минимал чегара ҳисобланади. Шу-нингдек, жиҳозлаш лойиҳалари учун энг юқори қиймат **БҲМнинг 2 минг баробари** (аввал 4 минг баробар эди) этиб белгиланди.

Янги тартибга кўра, қуйдаги-ларга “танаффус” бериш амалиёти қўлланилмайди:

- ➔ маҳаллалар сони 15 та ва ундан кам бўлган туман(шаҳар) даги маҳаллаларга;
- ➔ “ТОП-100”талиққа кирган энг яхши солиқ тўловчи маҳаллаларга;
- ➔ лойиҳани шериклик асосида амалга оширган маҳаллаларга.

Бу жараёнда лойиҳа ки-ритиш имконияти чекланган маҳаллаларга шерикчилик асо-сида лойиҳаларни амалга оши-ришга рухсат берилади. Овоз бериш босқичи яқунлангандан сўнг 10 кун давомида қўшимча қолиб лойиҳаларни аниқлаш бўйича 5-босқич ўтказилади.

Қўшимча қолиб лойиҳалар қуйидаги усулда аниқланиши мумкин:

⑆ халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг депутатлари — қолиб бўлмаган лойиҳага етишмаган маблагни туман бюджетининг қўшимча маблаглари ҳисобидан ажратиш орқали;

⑆ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари — қолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан битта лойиҳани танлаш орқали.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари лойиҳаларни қўшимча равишда қолиб деб топишнинг тартибини белгилади.



Бу жараёнда депутатлар лойиҳаларни қў-шимча равишда қолиб сифатида эълон қилиши ўзларининг “Очик бюджет” порталидаги шахсий саҳифалар орқали амалга оширади. Парламент депутати у ёки бу лойиҳани қўшимча равишда қо-либ деб топиши учун бу лойиҳа:

- ❑ у сайланган сайлов округидаги ҳудудда жойлашган бўлиши;
- ❑ овоз бериш босқичига ўтган ҳамда камида 50 та овоз тўплаган бўлиши;

❑ шерикчилик асосида молиялаштиришда иштирок этётган маҳаллага тегишли лойиҳа бўлмаслиги керак.

Депутатлар томонидан бир маҳалладан кет-ма-кет икки мавсумда лойиҳаларни танлаб оли-нишига йўл қўйилмайди. Агар тегишли мавсум доирасида депутатлар ўз ваколатидан фойдалан-маса, бу келгуси мавсум(лар)да ушбу ваколатдан фойдаланиш ҳуқуқини берайди.



“Ташаббусли бюджет” доирасида лойиҳаларни шерикчилик асосида беришда молиялаштириш тартиби белгиланди.

Унга кўра, 2026 йилдан бошлаб, аҳоли лойиҳа қийматининг 50 фоиз қисmini молиялаштирган тақдир-да, лойиҳалар автоматик равишда қолиб деб топилади ва қолган қис-мини давлат молиялаштиради. Бу жараёнда **ҳар бир маҳаллага бир мавсумда фақат битта лойиҳани** шерикчилик асосида амалга оши-ришга рухсат берилади.

Шерикчилик лойиҳалари фуқа-ролар томонидан лойиҳа шакллан-тириш босқичида махсус шартларга розилик билдирган ҳолда илгари сурилади. Лойиҳа қийматининг 50 фоизига тенг маблагни тўплай олмаган шерикчилик лойиҳалари аънавий овоз бериш босқичига ўтказилади. Бюджет ташкилотлари бўйича лойиҳаларни шерикчилик асосида молиялаштиришга рухсат берилмайди. Лойиҳаларни шерик-чилик асосида амалга ошириш **мут-лақо ихтиёрий** ҳисобланади.



“Албатта, бугунги мураккаб замонда ёшларимизни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш, халқимизни янада бирлаштириш ва жипслаштиришда, ҳеч шубҳасиз, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган маҳалланинг ўрни ва аҳамияти катта”.

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

Тўғри танланган йўл ва ишонч, албатта, баракали бўлади



Инсон қайси соҳада фаолият юритмасин — таълимдами, қурилишдами, тadbиркорлик ёки хунармандчиликдами, барчасининг асоси илмга бориб тақалади. Бугуннинг энг асосий талаби ҳам айнан билим олишдир. Ҳар бир йўналишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, аммо улардан қўрқмай, олдинга интилаётган ёшларнинг кўплиги кишини қувонтиради.

Алишер ҚОДИРОВ,
Муборак туманидаги
“Ёшлик” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Айни жихатлар Президентимизнинг Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурोजаатномасида ҳам алоҳида қайд этилди. Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистондаги ўзгаришларни кутиб яшамаймиз, аксинча, уларни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз ва масъулиятли меҳнатимиз билан яратишимизни алоҳида қайд этди. Бугунги мураккаб замонда ёшларни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш, халқимизни янада бирлашти-

риш ва жипслаштиришда, ҳеч шубҳасиз, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган маҳалланинг ўрни ва аҳамияти эътироф этилди.

Мурожаатномадаги вази-фалардан келиб чиқиб, 2026 йилдаги фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белги-лаб олдик. Ёшлар билан ишлаш борасида уларни қўллаб-қув-ватлаш, имкониятларини юзага чиқариш, муаммосини маҳалла-нинг ўзида ҳал этиш чоралари-ни кўрамиз. Китобхон, спортчи, билимли, тadbиркор ёшларни тарбиялаш — асосий вазифа-мизга айланади.

Маҳалламизда аynи пайтда кўплаб йигит-қизлар тadbир-корлик йўналишида фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, таълим соҳасида ишлаётган,

чет элда таҳсил олаётган ёки меҳнат миграциясида бўлган ёшлар ҳам кўпчиликини таш-кил этади. Хусусан, хорижда ишлаш истагида бўлганлар учун алоҳида тил курслари ташкил этилган. Ҳозирда немис тили-га алоҳида эътибор қаратилиб, Германияда ишлашни мақсад қилган 8 нафар ёш пухта тайёр-гарлик кўрмоқда.

Германияга бориш жараён-лари маҳалланинг ўзида амал-га оширилади. Кетиш истагида бўлган ёшлар ариза топира-ди, зарур ҳужжатларни тақдим этади. Сўнгра бу ҳужжатлар вилоят штабига юборилиб, уч босқичли текширувдан ўткази-лади. Ҳозирда ушбу жараёндан муваффақиятли ўтган ёшлар бор, улардан бири халқро сертификатга ҳам эга. Режага кўра, улар шу ой давомида Гер-манияга жўнаб кетади.

Мен ҳар бир ёш билан, аввало, ҳудуд имкониятларини ҳисобга олиб, қайси йўналиш унга мос келишини муҳокама қиламан. Психологик жиҳатдан тайёрий, қийинчиликларга бардош бера оладими, буларнинг барчасини очик суҳбат орқали тушунтираман. Чунки тўғри танланган йўл ва ишонч билан бошланган иш, албатта, баракали бўлади.

СўРАГАН ЭДИНГИЗ...

Наргиза АШУРОВА.
Сурхондарё вилояти:
— Янги ташкилотда иш бошлага-нимга бир ой тўлмай, соғлигим сабабли вақтинчалик меҳнат-га лаёқатсиз бўлиб қолдим. Шу ҳолатда менга давлат томони-дан тўланадиган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик (суғурта) нафақаси тўланмайдими?

Янги ишга кирганлар учун суғурта тўланмайдими?

Жавлон УМАРОВ,
меҳнат ва ижтимоий ҳимоя бўйича ҳуқуқшунос:

— Қонунчиликка кўра, сиз янги ишга кирган бўлсангиз ва иш бош-лаганингизга бир ой тўлмасдан соғлигингиз сабабли вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолсангиз, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик (суғурта) нафақаси сизга тўланмай-ди. Чунки давлат ҳисобидан нафақа олиш учун камида 6 ойлик суғурта (иш) стажи мавжуд бўлиши шарт.

Шунингдек, дам олиш ва байрам кунлари учун суғурта пули тўлан-майди. Гарчи касаллик дам олиш кунларида ҳам давом этса-да, давлат фақат йўқотилган иш ҳақини қоплаш тамойилига амал қилади.

Хулоса қилиб айтганда, сиз иш фаолиятини эндигина бошлаганин-гиз ва зарур суғурта стажига эга бўлмаганингиз сабабли, ушбу давр учун давлат томонидан суғурта пули тўланмаслиги қонуний ҳисобланади.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ” — ИМКОНИЯТЛАР КАЛИТИ

“Муҳими , иш қидириб юрганим йўқ...”

Мен ёш деҳқонман. Бугун ушбу йўналишда фаолият юритиб, рўзгоримга барака кириб келаётганини ҳис қиляпман. Бу йўлни катта ер майдони ёки улкан техника билан эмас, балки хонадонимиздаги томорқада қурилган кичик иссиқхона билан бошладим.



Даврон РАҲМАТОВ,
Хатирчи туманидаги
“Галабек” маҳалласидан.

Иссиқхонанинг уму-мий майдони — 5 сотих. Шундан 4 сотихи тўлиқ

экин экиладиган ер. Бу майдонга Япония селек-циясига мансуб “Бетис” номли помидор навини эқдик. Бу нави танлашим бежиз эмас. Деҳқончилик қилган одам яхши била-ди — помидор касаллики-ни ҳам, вирусни ҳам тез олади. Биргина хато бутун ҳосилни барбод қилиши мумкин. Шу сабабли ка-салликларга чидамли, хо-силдор ва бозорбоп нави-танлаш энг муҳим масала.

Помидор ниҳоллари-ни экишга ҳам жиддий тайёрланди. Уруғлар ол-диндан экилиб, 40-50 кун парвариш қилиниб ниҳол ҳолатига келтирилди. Де-кабрь ойининг ўртасида уларни иссиқхонага қада-

дик. Энди март ойининг охирига келиб поми-дорлар пишиб етилади. Баҳорнинг илк кунлари-данок бозорларга махсу-лот чиқариш ниятидамиз.



Ҳозир иссиқхона-мизда 1 100 туп помидор кўчати бор. Ҳар бир тупдан камида 5 килограмм ҳосил олишни режалаяпмиз. Ҳисоб-китоб қи-линса, 4 сотих ердан 5 тоннадан ортиқ ҳосил олиш мумкин.


Агар шу ҳосилни март ойида бозор нархида, яъни килограммини ўрта-ча 20 минг сўмдан сотсак, даромадимиз 100 мил-лион сўмга яқинлашади. Бу — кичик томорқа учун жуда катта натижа.

Энг муҳими, мен бугун иш қидириб юрмаяпман. Ўзимга, оиламга етадиган ризқни ўз томорқамдан топяпман. Ҳар тонг иссиқ-хонага кириб, ниҳолларга қараганимда, келажагим-ни кўраётгандек бўламан. Бугун томорқам — менинг иш жойим, келажагим ва ишончим.

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

“БЕШ МИЛЛИОН СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЕТАКЧИЛАРИ”

Бу — ёшлар учун катта синов, жамият учун имконият, давлат учун келажакка қилинган сармоя



Дунё кўз ўнгимизда тез ўзгаряпти. Кеча замонавий бўлиб кўринган касб бугун оддий юмушга айланиб қоляпти, бугун талаб юқори бўлган билим эса эртага эскириши мумкин. Айниқса, технологиялар соҳасида бу жараён янада шиддатли.

Шахноза ХАЛИЛОВА.

ундай бир пайт-да Президентимиз “Беш миллион сунъ-ий интеллект етак-чилари” лойиҳасини эълон қилгани тасодиф эмас. Бу ташаббус “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг мантикий давоми бўлиб, аслида, бир саволга жавоб излайди: биз ёшларни эртанги кун рақобатига қанчалик тайёр-лай оляпмиз?

Очик айтايлик, муаммо кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Юр-тимизда ёшлар кўп, аммо замона-вий, юқори даромадли касб эга-лари ҳануз кам. Кўплаб битирув-чилар диплом билан иш излайди, айрилари миграция асосида хо-рижга йўл олади. Сабаби оддий — таълимда берилаётган билим би-лан меҳнат бозори талаб қилаёт-ган кўникмалар ўртасида хали ҳам катта тафовут бор. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси шу бўшлиқ-ни тўлдиришга уринди, минглаб ёшларни “IT” билан таништирди. Аммо вақт шуни кўрсатдики, энди

лаштирилгани бежиз эмас. Бу ён-дашувда фақат билим бериш эмас, балки муҳит яратиш истаги бор.

Айниқса, “Муҳаммад ал-Хо-размий ворислари” лойиҳаси ёшлар учун янги эшикларни оча-ди. IT-лоиҳа бошқаруви, стартап менежменти, хорижий тиллар, халқаро сертификатлар — булар-нинг барчаси бепул тақдим этили-ши кўзда тутилаётгани кўпчилик-нинг орсусига ўхшайди. Агар бу имкониятлардан самарали фой-далансак, ёшлар масофадан туриб ишлаш, ўз юртида қолган ҳолда даромад топиш, ҳатто ўз стартапи-ни яратиш имконига эга бўлади. Энг муҳими, ёшлар иш қидирувчи эмас, иш яратувчи бўлиш сари қа-дам ташлайди.

Албатта, ҳаммаси силлиқ бўлади, дейиш қийин. Ҳар қандай катта ғоя сингари бу лойиҳанинг ҳам синовлари бор. **Энг оғриқ-ли масала — инфратузилма.** Қишлоқларда интернет сифати, компьютер ва техника етишмасли-ги ҳануз долзарб. Агар бу муаммо ҳал этилмаса, лойиҳа фақат шаҳар ёшлари учун ишлаши мумкин.

Яна бир муҳим масала — устозлар. Сунъий интеллектни ўргатиш учун уни ўзи тушунадиган, амалий тажрибага эга ўқитувчилар керак. Рағбат бор, лекин устозни тайёрлаш тизими ҳам шунга яраша бўлиши шарт.

Ечим эса мураккаб эмас, фақат изчил бўлиши керак. Ав-вало, ҳудудлар кесимида интер-нет ва техника масаласи ҳал эти-лиши зарур. Таълим назарияда эмас, амалиётда берилиши керак. Муваффақиятга эришган ёшлар ҳақида кўпроқ гапирилса, бошқа-ларда ҳам ишонч пайдо бўлади. Ўқитувчи оддий дарс берувчи эмас, балки ёшга йўл кўрсатувчи даражасига кўтарилиши лозим.



Хулоса шуки, “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси оддий бир дастур эмас. Бу — ёшлар учун катта си-нов, жамият учун имконият, давлат учун эса келажакка қи-линган сармоя. Агар у қорғозда қолиб кетмай, хақиқий ҳаётга татбиқ этилса, эртага биз технологияни истеъмол қиладиган эмас, уни яратадиган авлодни кўришимиз мумкин.



“Келгуси йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўмни вилоятларнинг ўзига беряпмиз. Энг муҳими, бу маблағларнинг ҳар бир сўми аҳолимиз учун қўшилган қиймат яратиши зарур. Шу боис бу пуллар умуман қайсидир туман учун эмас, балки маҳаллада иш ўринлари яратадиган, аҳолини даромадли қиладиган аниқ лойиҳаларга йўналтирилади”.

2026 йил
7 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №1

5

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА
ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

Яширин иқтисодиёт жиловланиб, ишбилармонлик муҳити шаклланияпти

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

САРАТОН ЭНДИ ҲУКМ ЭМАС Тиббиётдаги ўзгаришлар беморларга қандай енгиллик бермоқда?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, саратон дунёдаги ўлим ҳолатларининг асосий сабабларидан бири бўлиб, 2020 йилда ундан деярли 10 миллион нафар инсон оламдан ўтган, бу ҳар олти ўлимдан биттаси дегани.

Мақсадбек ҚҶҚОРОВ.

Бугунги кунда ушбу хатарли ўсимталарнинг энг кенг тарқалган тури ўпкада, аёлларда кўкрак безида, эркекларда простатада, ундан кейин ошқозон ва жигар, бошқа тана аъзоларида кузатишмоқда. Унинг олдини олиш, даволашда скрининг текширувлари муҳим роль ўйнайди. Чунки скрининг текширувлар жараёнида касалликлар барвақт аниқланади. Барвақт аниқланган касалликни эса шунга яраша даволаш ҳам осон кечади.

Шу боис сўнгги йилларда бу соҳада даволаш самарадорлигини ошириш учун ижобий ишлар қилинди. Хусусан, Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази алоҳида муассаса сифатида ажратилди. Онкологик шифохоналар учун қўшимча 22 та нур терапияси ускунаси олиб келинди.

бўлимида йилга 6 мингта юқори технологик амалиётлар ўтказиш имконияти бор. Жумладан, жуда долзарб бўлган суяк қўмиги трансплантацияси йўлга қўйилди. Янги ускуналар ёрдамида кўз, ҳалқум ва қизилўнгач қисми ўсмаларини кесмасдан олиб ташлаш мумкин. Қовуқ ўсмалари кам инвазив усулда бартараф этилади. Буларнинг самарасида беморлар тезроқ тузалиб, 3-5 кунда уйига қайтишапти.

Янги марказда нур билан даволаш учун илк бор ядровий тиббиёт бўлими ишга туширилди. У 9 та бункердан иборат бўлиб, муолажалар узлуқсизлиги таъминланаяпти. Марказ ўзининг ҳудудлардаги филиаллари билан ягона электрон платформага уланди ва республикада “канцер-регистр” тизими ишга туширилди. Бунинг натижасида назоратда турган барча онкологик беморлар ҳақидаги маълумотлар яхлит кўриниб туради.



Президентимизнинг “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида Жанубий Кореянинг шу соҳадаги клиникалари тажрибаси асосида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг замонавий мажмуаси қурилди. Янги марказда 650 та стационар ва 80 та кундузги ўринлар ташкил этилди. Шунингдек, бир кунда 500 нафар бемор амбулатор шaroитда даволаниши мумкин.

Марказда Европа ва АҚШ стандартлари асосида ташкил этилган 17 та янги клиник бўлим, 18 та жарроҳлик хонаси, 42 та реанимация ва интенсив терапия хоналари ташкил этилган. Улар жаҳон тиббиётида қўллангиланган энг сўнгги техникалар билан жиҳозланди. Биргина жарроҳлик

Умуман, янги ускуналар ва шароитлар натижасида марказда ўсма касалликларини эрта аниқлаш ҳамда даволаш самарадорлиги бир неча баробар ошди. Бунинг натижасида ўлим ҳолатлари камайиб, инсонларни соғайтириб, умрини узайтиришга хизмат қиляпти.



Алишер САЛИМОВ,
Поп туманидаги
“Қандигон”, “Марғизор”,
“Ўрта Марғизор” ва “Янгиобод”
маҳаллалари солиқ инспектори.

Жорий йилда яширин иқтисодиётнинг олдини олиш учун барча давлат хизматлари ва коммунал тўловлар, ёқилғи, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, автомобиль ва кўчмас мулк савдолари нақдсиз тўлов шаклига ўтказилади. Солиқ божхона, санитария-эпидемиология назорати, стандарт, карантин, қурилиш назорати инспекцияси, ёнгин хавфсизлиги каби 17 турдаги текширувларда “боди-камера”дан фойдаланиш мажбурий бўлади. “Соя”даги иқтисодиётдан ихтиёрий равишда шаффофлик-

ка чиқмоқчи бўлган тадбиркорлар бухгалтерия, статистика, солиқ ҳисоботларини юритиш бўйича бепул ўқитилади.

Умуман, дастур доирасида келгуси беш йилда яширин иқтисодиёт улуши икки қарра қисқартирилади, савдо ва сервис соҳаларида нақд пулсиз тўловлар улуши 75 фоиздан оширилади, расмий секторда банд бўлган аҳоли сони ҳозирги 8,5 миллиондан 14 миллионга етказилади. Бир сўз билан айтганда, “Ҳалол меҳнат – хотиржам ҳаёт ва фаровон жамият гарови”, деган шиор асосида бу борадаги ишлар умумийлиги ҳаракатга айлантирилади.

Қувонарлиси, бугунги ислохотлар, яширин иқтисодиётнинг жиловланиши, мавжуд салоҳият ва тадбиркорларнинг фаоллиги сабаб маҳаллаларда ишбилар-

монлик муҳити шаклланди. Хусусан, менга бириктирилган йиғинларда деҳқончилик, сабзавотчилик, бовдорчилик, полизчилик, савдо-сотик, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари йўлга қўйилди.

Айни пайтда “Қандигон”, “Марғизор”, “Ўрта Марғизор” ва “Янгиобод” маҳаллаларида 112 нафар якка тартибдаги тадбиркор, 29 та юридик шахс, 12 та нодавлат нотижорат ташкилоти, 11 та фермер ҳамда 843 та деҳқон ҳўжалиги фаолият юритапти. Бу ўз навбатида маҳаллаларда янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли бандлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Бирок қўлай имконият ва шароитлар яратилишига қарамай, ҳамон солиқдан қочиш ҳолатлари кузатиляпти. Хатлов натижасида шундай ноқонуний фаолият кўрсатаётган “тадбиркор”ларнинг 11 нафари якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди. Шу боис маҳалла фаоллари, тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, яширин иқтисодиётга йўл қўймаслик ҳамда аҳолининг солиқ маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Тарғиботлар ўз самарасини кўрсатди. Маҳаллаларда солиқ тушумлари барқарорлашиб, фуқароларнинг солиқ органларига бўлган ишончи янада мустаҳкамланди. Ўтган йилнинг ўзида солиқ тўловчи субъектлар тўлайдиган йиллик кўрсаткич режаси 103,1 фоизга бажарилди. Тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси ҳам 30 фоизга ошди.

Эндиликда маҳаллий бюджетлар тушуми янада ортади. Президентимиз Мурoжаатномада мазкур масалага алоҳида тўхталиб, 2026 йил 1 январдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғидан тушумнинг Тошкент шаҳрида 5 фоизи, қолган ҳудудларда 20 фоизи қолдирилиб, бу маблағнинг ярми туманлар бюджетига ўтказилишини билдирди. Бундан ташқари, даромадларнинг прогнолга нисбатан ошириб бажарилган қисмининг 50 фоизи, экин ерларини ижарага бериш ва бозорлардан тушумлар ҳам тўлиқ туман бюджетига берилади. Бунинг натижасида маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланиб, “яшил ҳудуд”, “яшил бог” яратилади. Шу тарика барча маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфаси кириб боради.

СИЗ УЧУН МУҲИМ!

ЯТТ фаолияти қандай юритилади?



Тадбиркорлик фаолиятини (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб амалга оширадиган жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) ҳисобланади.

Агар сиз ҳам ЯТТ сифатида иш бошламоқчи бўлсангиз, аввало, давлат рўйхатидан ўтишингиз лозим. Бунинг учун ҳудудингиздаги Давлат хизматлари марказига бориб, шахсан мурожаат қилишингиз ёки new.birdarcha.uz сайти орқали масофадан туриб ариза беришингиз мумкин.

Агар Давлат хизматлари марказига шахсан келиб ариза берилса, БҲМнинг 1 баравари миқдорида (412 000 сўм) давлат божи тўланади. Интернет орқали ариза берилганда БҲМнинг 0,9 бараварини (370 800 сўм) ташкил этади.

Барча ҳужжатларингиз қабул қилиниб, якуний қарор қабул қилинган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганингиз бўйича махсус гувоҳнома берилади.

Шундан сўнг, ЯТТ сифатида давлат рўйхатидан ўтган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳар ойда 15-санадан кечиктирмай 1 физ миқдоридан айланмадан олинадиган солиқ (ЯТТнинг товар (хизмат)лар реализациясидан олинган даромадидан 1 миллиард сўмгача) ҳамда ижтимоий солиқ – БҲМнинг 1 баравари (412 000 сўм) тўланади.

Шунингдек, ЯТТнинг товар (хизмат)лар реализациясидан олинган даромади календарь йилида 1 миллиард сўмдан ошса, ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

ЯТТлар 5 нафаргача ходим ёллаш ҳуқуқига эга. Ҳар бир ёлланма ходим учун йилига бир марта – 31 декабргача БҲМнинг 1 баравари миқдорида (412 000 сўм) ижтимоий солиқ ҳамда ҳар ойда 15-санадан кечиктирмай 12 физ даромад солиғи тўлайди.

Эсда тутинг, ЯТТлар учун қатъий белгиланган миқдордаги даромад солиғи бекор қилинган.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Рустам ЮСУПОВ
тайёрлади.

Такси ҳайдовчилари қанча солиқ тўлайди?

Умид ХАЙРУЛЛАЕВ.
Андижон вилояти:

— Водийдан келиб, Тошкент шаҳрида кирашлик қиламан. 1 январдан такси ҳайдовчилари тўлайдиган солиқ миқдори ўзгарибди. Эшитишимча, бу жараёнда QR-коддан фойдаланиш керак экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ қўмитаси
бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— 2026 йил 1 январдан ўзини ўзи банд қилган такси ҳайдовчилари айланмадан олинадиган солиқни пасайтирилган ставкада – 1 физ миқдорида тўлайди. Масалан, ўзини ўзи банд қилган такси ҳайдовчиси бир ойда 2 миллион сўм даромад топса, у тўлаши лозим бўлган солиқ миқдори атиги 20 минг сўмни ташкил этади.

Агар йўловчиларни ташиш фаолияти онлайн-агрегаторлар орқали

амалга оширилса, солиқни ушлаб қолтиш такси агрегаторлари томонидан ҳайдовчиларга даромадларни ўтказиш чоғида автоматик тарзда амалга оширилади. Бу жараёнда агрегатор солиқни фақат ўз платформаси орқали олинган даромадлардан ушлаб қолди. Агрегатордан ташқарида шаклланган даромадлар ушбу тизим асосида солиққа тортилмайди.

Маълумки, 2026 йил 1 январдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун рақамли платформаларда шакллантирилган электрон тўловларни қа-

бул қилиш мақсадида махсус QR-кодга эга бўлиш мажбурий талаб сифатида жорий этилди. Бирок ушбу талаб солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинган электрон платформаларга эга агрегаторлар орқали йўловчиларни ташиш ва буюртма асосида товарларни етказиб бериш хизматларини кўрсатувчи ўзини ўзи банд қилган шахсларга татбиқ этилмайди. Яъни, солиқ тизимларига уланган расмий агрегаторлар орқали фаолият юритувчи такси ҳайдовчилари ва курьерларга алоҳида QR-код ўрнатиш шарт эмас.

МЕНДА
САВОЛ БОР...



“Маҳалла ва яхши қўшничилик ўзаро уйғун қадриятлардир.

Улар жамиятда инсоний ва ижтимоий капитални янада бойитишга беқиёс ҳисса қўшади.

Мамлакатимизда ўтказилган ижтимоий сўровларда иштирок этганларнинг 90 фоиздан кўпроғи ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми деб ҳисоблаши ҳам шундан далолат беради”.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ИНСОН ХАТО ҚАДАМ БОСМАЙДИ

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Муҳиддин ҚУРБОНОВ.
Қашқадарё вилояти:

– 2023 йилда иккита ташкилот бирлашган эди. Энди бирлашиш натижасида тугатилган ташкилотдан ўтган ходим ишдан бўшатиляпти. Айтингчи, шунда ишдан бўшатиш нафақаси бирлашиб кетган вақтдаги стажга қараб олинадими?

ИШДАН БЎШАТИШ НАФАҚАСИ ҚАНДАЙ ТАЙИНЛанаДИ?



Муҳаммадмин
КАРИМЖОНОВ,
юрист-ҳуқуқшунос:

– Меҳнат кодексининг 156-моддасига мувофиқ, ташкилот қайта ташкил этилганда, жумладан, қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш ҳолатида ходим билан тузилган меҳнат муносабатлари унинг розилиги билан давом эттирилади ва меҳнат стажы узилган деб ҳисобланмайди. Шу сабабли, қайта ташкил этилиш натижасида тугатилган ташкилотдан янги ташкилотга ўтган ходимнинг аввалги иш жойида орттирган иш стажы тўлиқ сақланади ва кейинги иш фаолияти билан бирга, ягона иш стажы сифатида эътироф этилади.

Меҳнат кодексининг 173-моддасига асосан, ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ходимнинг мазкур иш берувчидаги иш стажига боғлиқ ҳолда белгиланади. Қайта ташкил этиш натижасида меҳнат муносабатлари давом этган деб ҳисобланганлиги сабабли, ишдан бўшатиш нафақасини белгилашда ходимнинг қайта ташкил этилишдан олдинги ва кейинги иш стажы қўшиб ҳисобланади.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



Мана шундай ўғрилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсиз муҳитни таъминлаш учун Миллий гвардия ва патруль-пост ходимлари иштирокида тунги навбатчиликни ташкил этдик. Шунингдек, аҳоли билан доимий мулоқотлар ўтказиб, уларни турли ҳуқуқбузарлик ва фирибгарликлар ҳақида огоҳлантириб, жиноятчиликнинг салбий оқибатларини тушунтириб келямиз. Уйма-уй юриш тизими асосида нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган ва руҳий касалликка чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишляяпмиз.

Ўрганишларимдан маълум бўляптики, низоли оилаларнинг асл сабаби – бекорчилик, иқтисодий қийинчилик ва ичкиликбозлик туфайли юзага келяпти. Бундай муаммоли масалаларни ҳал этиш учун биринчи навбатда, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш, даромадли қилиш чораларини кўряпмиз. Вояга етган бир фуқаромиз ҳам ишсиз ва бекорчиликдан арзимаган сабаблар туфайли оила аъзолари ҳамда маҳалладаги одамлар билан жанжаллашиб юрарди. Уни профилактик ҳисобга рўйхатга олиб, ҳоким ёрдамчиси – Нуриддин Латипов билан биргаликда мебель цехига ишга жойлаштирдик. Ҳозир ҳулки анча яхши, даромад топиб, оиласига қўмаклашяпти.

Яна бир фуқаро спиртли ичимликка ружу қўйиб, оила аъзолари ва қўшилари билан мунтазам жалал қиларди. Уни рўйхатга олгач, тушунтириш ишлари олиб бориб, вилоят наркология диспансер ши-

Азимжон ШОДИЕВ,
Кармана туманидаги
“Варқ” маҳалласи
профилактика инспектори.



фохонасида даволатдик. Бугун оилали, уч фарзанднинг отаси тузалиш йўлига қайтган. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонасида меҳнат қилиб, оиласи билан тинч-тотув яшамокда.

Ўтган йили профилактик ҳисобга рўйхатга олинган бундай фуқароларнинг ўндан ортигини тўғри йўлга қайтардик. Тазйиқ ва зўравонликка учраган 21 нафар аёлга химоя ордери бериб, уларни зўравонликдан химоя қияпмиз. Афсуски, химоя ордери талабларини бузиб, муштумзўрлик қилаётганлар ҳам бор. Яқинда ана шундай зўравон оила бошлиғи суд қарори билан 10 суткага қамалди. Бу ҳолат тазйиқ ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар учун ўзига хос сабоқ бўлди.



Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида қайд этилганидек, тинчлик ҳукм сурган, қонун устувор бўлган, фуқароларнинг хавфсизлиги таъминланган жойга инвестиция ҳам келади, бу ерда туризм ҳам ривожланади. Уйлайманки, бугун ҳар бир профилактика инспектори ўзига бириктирилган маҳалланинг хавфсизлиги ва фуқаролар осийишталигини таъминлашга қодир.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ЭКОСТИКЕР УЧУН ЖАРИМА ҚЎЛЛаниЛМАЙДИ

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқлар ва айрим оммавий ахборот воситаларида 2026 йилдан бошлаб, “экологик ҳудуд”га кирувчи “қизил” ва “сарик” тоифадаги автомобиллар жаримага тортилиши ҳақида нотўғри талқиндаги хабарлар тарқалди. Аслида эса вазият бутунлай бошқача.

Хўш, унда жарималар қачондан бошлаб қўлланилади? Расмий маълумотларга кўра, “Экологик транспорт” тизими доирасидаги жарималар икки йилдан сўнг, яъни 2028 йилдан бошлаб жорий этилади. 2026 йил – бу фақат тизимни йўлга қўйиш, ҳайдовчиларни хабардор қилиш ва экологик маданиятни шакллантириш давридир.

Бу тизим нима учун керак? Автомобиллар ва юк машиналаридан чиқаётган захарли газлар иқлим ўзгариши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва кислотали ёмғирларга сабаб бўлмоқда. Тизимнинг бош мақсади – жазолаш эмас, балки аҳоли орасида “Экологик транспорт” тушунчасини кент тарғиб қилиш ва шахрларимиз хавосининг сифатини яхшилашдир.

Ҳайдовчилар учун қандай қулайликлар бор?

Тизим ҳайдовчиларни қийин аҳволга солиш эмас, балки уларга қўмак бериш тамойили асосида ишлайди. Агар автомобилнинг дастлаб “сарик” ёки “қизил” стикер олган бўлса, уни техник созлаш орқали рангини “яшил”га ўзгартириш имконияти мавжуд.



Республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий диагностика марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Ҳайдовчилар ўз машиналарини ушбу марказларда техник кўриқдан ўтказиб, стикер рангини яхшилашлари мумкин.

Ҳайдовчилар йўл ҳаракати хавфсизлигининг ягона электрон тизими ва камералар орқали қайси ҳудудга киришчасини кент тарғиб қилиш ва шахрларимиз хавосининг сифатини яхшилаш имкониятига эга бўлади.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз, 2026 йилда ҳеч ким жарима тўламайди! Бу вақт оралиғида ҳар бир ҳайдовчи ўз автомобилнинг техник ҳолатини яхшилаш имкониятига эга бўлади.


Унутманг, автомобилларни кўриқдан ўтказиш ва сифатли ёқилғидан фойдаланиш нафақат табиатни асрайди, балки ҳаракат хавфсизлигини ҳам таъминлайди. Экологик тоза ва соз транспорт воситаси – келажак авлод олдидаги масъулиятдир.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

“OLX”даги харидор аслида ким?

Яна бир фирибгарлик усули пайдо бўлди. Бу “OLX” сайти орқали буюмларини сотаётган ёки сотишни режалаштираётган фуқаролар учун жуда муҳим.

Мақсадбек ҚЎЧҚОРОВ.



Лап шундаки, мабода сиз “OLX” сайти орқали “мана бу буюм ёки нарсамни сотмоқчиман”, деб эълон қўйсангиз, фирибгар алоқага чиқади ва “менга сизнинг буюмингиз ёқди, фақат пулларни онлайн равишда, яъни электрон тарзда тўлайман”, дейди. Пулларни олиш учун сизга юборадиган ҳавола орқали кирасиз, банк эса пластик картангиз маълумотларини киритишингизни сўрайди. Агар сиз банк картангиз маълумотларини киритиб, ўзингизга керак бўладиган суммани, яъни пулни оламан, деганингизда хато қилган бўласиз. Чунки фирибгар сизнинг картангиздаги пулларни тийинигача ечиб олган бўлади. Шунинг учун савдо қилишда имкон қадар қўнғироқлашиб, юзма-юз кўришиб, ишларни битириш лозим.


Афсуски, ички ишлар органлари фуқароларни бундай фирибгарлик ва кибержиноятлар ҳақида қанчалик кўп огоҳлантиришмасин, содда халқимиз ҳамон уларнинг қурбонига айланмоқда. Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, сўнгги беш (2021-2025 йил) йилда республикаимиз миқёсида кибержиноятлар ўн бир баравар (4 минг 865 тадан 62 минг 440 та) га ошди. Мазкур жиноятлар натижасида фуқароларга 3 триллион 730 миллиард сўм зарар етказилган бўлса, шундан ярами (1 триллион 890 миллиард) ўтган йилнинг 11 ойи ҳиссасига тўғри келади. Бу эса жиноятнинг янги турлари пайдо бўлаётгани, уларнинг олдини олиш заруратини янада долзарблаштирмоқда.



Шу боис кибержиноятларга қарши курашиш мақсадида ҳудудларда ушбу соҳа бўйича алоҳида бошқармалар ташкил этилиб, ходимлар сонни кўпайтирилди. Ахборот технологиялари соҳасида жиноятларга қарши курашиш бўйича рақамли лаборатория ташкил этилди. Натижада фуқароларнинг банк ҳисобварақларидан маблағларни ноқонуний ечиб олишга йўналтирилган, энг хавфли ва кўплаб фуқароларга зарар етказган “фишинг” туридаги 483 зарарли дастур аниқланиб, фаолияти тўхтатилди. Шунингдек, кибермақонда жамоат тартибига таҳдид солувчи, шахсининг шаъни ва қадр-қиммати камситилишини тарғиб қилиб келиш билан боғлиқ 3 минг 843 та интернет ресурслари блокланди. 1 минг 508 та фирибгарликка ундовчи зарарли хаволалар фаолиятига чек қўйилди.

Шундай экан, рақамлаштириш жараёнлари ривожланаётган даврда ахборот технологиялари воситасида содир этилаётган жиноятлардан ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз зарур.

“Таъкидлаш керакки, юртимизда камбағаллик даражаси йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушди. ...Кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизимини йўлга қўйганимиз ва буларни маҳалладаги “еттилик”нинг ўзига берганимиз натижасида 8,5 миллиондан зиёд одам камбағалликдан чикди, ишсизлик 2 карра қисқарди”.



2026 йил
7 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №1

7

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

Хунар ва мақсадли таълимгина ишсизликка барҳам беради

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Юртимизда аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида тизимли ва манзилли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, кун сайин фуқароларнинг фаровон турмуш кечириши, доимий даромад манбаларига эга бўлиши учун муносиб шароит яратиб берилляпти.

Бунёджон МАМАРАСУЛОВ,
Ховос тумани “Инсон” ижтимоий
хизматлар маркази директори.

Хозирда Ховос туманида 25 мингдан зиёд оила истиқомат қилади. Таҳлилларга қўра, ўтган йилнинг январь ойида болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилалар сони 2 138 тани ташкил этган бўлса, йил давомида аҳолининг даромад манбаларини ошириш, бандлигини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида декабрь ойига келиб мазкур кўрсаткич 1 450 тага тушди. Маҳаллаларни айланиб, одамлар билан суҳбатлашиш асосида жуда кўп ҳолатларга гувоҳ бўляпмиз. Айримлар ўзининг оғир ва ночор шароитини яхшилаш учун ҳаракат қилишни истама-са, бошқаларида бунинг учун билим ва малака етишмайди. Баъзи фуқаролар топаётган даромадини мақсадли сарф-

лашни билмаслиги оқибатида турли қийинчи-ликларга учраётганини тан олмай илож йўқ. Бу каби муаммоларни уларга бир-иккита хизмат турларини кўрсатиш орқали ҳал қилиш мушкул. Тизимли ёндашув, мунтазам олиб бориладиган тадбир ва учрашувларгина қўзлан-ган натижага эришишга замин яратади.



Аслида, жамиятнинг эртанги ривожини таъминлаш учун бугун мактабда таҳсил олаётган фарзандларимизнинг молиявий саводхонлигини оширишга эътибор қаратишимиз зарур. Юқори синф ўқувчиларининг тўғри йўналиш танлаши, бирор касб-хунар эгаси бўлиши учун алоҳида ёндашув лозим. Шу кунга қадар халқимиз онгига сингиб кетган айрим нотўғри қарашларни ўзгартириш вақти келди.



Айтайлик, битирувчиларнинг аксарияти шаҳодатномасини қўлга олгандан кейингина қайси олий ўқув юртига ҳужжат топшириш ҳақида ўйлашни бошлайди. Тавakkал топширилган имтиҳоннинг ижобий натижа кўрсатиши эса ҳеч нар-

сани ўзгартирмайди. Ўзи қизиқмаган ва юзаки таҳсил олган йўналишида ўқиган йигит ёки қиз эртага муносиб иш ўрни тополмаслиги аниқ. Қарабсизки, ишсизлар сони ана биттага кўпаяди. Бундай вазиятда йўқотилган вақт ва сарфланган

маблағга ачинмасликнинг имкони йўқ. Ундан қўра, бир неча ой давомида уста хунарамдга шогирд тушиб, иш ўргангани минг марта афзал.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурोजаатномасида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб шундай деди: “Менинг ниятим — ёшларимиз талаб юқори бўлган касблар бўйича дунёда рақобатдош бўлсин, керак бўлса, бошқалардан бир поғона устун турсин. Ушбу мақсадга эришиш йўлида касбий таълимнинг энг муҳим бўғини бўлган техникумларни янги сифат босқичига олиб чиқамиз. Бунинг учун, 2026 йилдан бошлаб, ҳар йили камида 100 тадан техникумни тўлиқ таъмирлаб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос ҳолда жиҳозлаб борамиз. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Корея каби давлатларнинг илгор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сонини 100 тага етказамиз”. Қўриб турганингиздек, касб ва хунар ўрганишга юзаки қараш хато. Қачонки, унинг илдизига қадар етиб борсак, ота-оналарда фарзанднинг эртасига нисбатан масъулият ҳиссини кучайтирсак, бугун тақдим этилаётган имкониятлардан фойдаланиш истагини билдирувчилар сони анча камайган бўларди. Қолаверса, бу айрим оилалардаги авлоддан-авлодга ўтиб келаётган камбағаллик занжирини узишга ва келгуси авлодни фаровон ҳаёт кечиришга хизмат қилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ойжамол ТУРОПОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси:

— Яқинда кичик ҳажмли болалар уйлари ташкил этилгани ҳақида эшитиб қолдим. Уларнинг аввалги Мурувват муассасаларидан фарқи нимада? Болалар учун қандай қулайлик ва шароитлар яратилади?

КИЧИК ҲАЖМЛИ
БОЛАЛАР УЙИНИНГ
АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Тимур АЙМУРАТОВ,
Ижтимоий ҳимоя
миллий агентлиги
Қорақалпоғистон
Республикаси бошқармаси шўъба мудири:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 декабрдаги тегишли қарорига мувофиқ, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган болаларга ғамхўрлик ва тарбия хизматларини кўрсатиш мақсадида “Кичик ҳажмли болалар уйлари” фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур ёндашувнинг энг муҳим жиҳати шундаки, болалар Мурувват муассасаларидан босқичма-босқич кичик, оила муҳитига яқин бўлган уйлар тизимига қўчирилади. Бу эса ҳар бир бола учун алоҳида эътибор, барқарор психологик муҳит ва оилавий қадриятларга асосланган тарбияни таъминлаш имконини бермоқда. Кичик ҳажмли болалар уйи – ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг замонавий шакли бўлиб, бир уйда 9-10 нафардан ортиқ бўлмаган бола яшайди. Тарбиячилар болалар билан кун давомида бирга бўлиб, уларнинг эҳтиёжларини яқиндан кузатади. Ҳар бир бола меҳр, ғамхўрлик ва алоҳида ёндашув билан қамраб олинади.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИАТ ЧЕГАРА ЭМАС

Меҳр-оқибат билан қалб риштаси мустаҳкам

Бу дунёда ҳеч қайси инсон ички дунёси ва ташқи кўриниши жиҳатдан бир-бирини такрорламайди. Ҳамманинг ўзига хос ҳаётий қарашлари ва амал қилдиган мезонлари мавжуд. Умримиз ўтгани сари улар такомиллашиб бораверади. Лекин меҳр-оқибат, инсонпарварлик ҳамда ҳам-жиҳатлик каби тушунчалар қалбларимизни бирлаштириб турувчи ришта ҳисобланади.



Шаҳноза РЎЗИЕВА,
Шофиркон туманидаги
“Музлахон Чандир” маҳалласи
ижтимоий ходими.

Мен ҳам маҳалла тизимида иш бошлагунга қадар атрофимдаги кўп нарсаларни эътибордан четда қолдирган эканман. Аслида, биз билан ҳамнафас яшаётган кишилар орасида эътиборга муҳтож, бизнинг қўмагимизга қўз тикиб турганлар анчагина эканини кўрдим. Шу маънода ҳудудимизда ижтимоий хизматлар тизимини изчил ва манзилли йўлга қўйиб келяпмиз. Биринчи навбатда, аҳолининг эҳтиёжлари чуқур ўрганилиб, ҳар бир мурожаатчига алоҳида ёндашув асосида ёрдам кўрсатилмоқда.

Маҳаллаимизда истиқомат қиладиган 4 237 нафар аҳолидан 174 нафарининг ногиронлиги мавжуд. Бу фуқаролар ҳолидан доимий равишда хабардормиз. Хусусан, ўтган йили 25 нафар имконияти чекланган шахсга эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари тақдим этилди. Бундан ташқари, 36 та “Камбағал оилалар реестри”га киритилган хонадон вакилларининг доимий даромад манбаига эга бўлишига қўмаклашдик.

Ана шундай оила вакилларида бири — Муҳайё Муҳаммедова. У икки нафар фарзанднинг меҳрибон онаси бўлиб, турмуш ўртоғи мавсумий банд. II гуруҳ ногиронлиги бўлишига қарамай, Муҳайё опа иродаси, тиришқоқлиги ва масъулиятлилиги билан атрофдагиларга намуна бўлиб келмоқда. Сўхбатлар натижасида Муҳайё опа учун алоҳида ижтимоий режа ишлаб чиқилди ва унинг босқичма-босқич ижроси таъминланди. Натижада хонадон вакиллари “Камбағал оилалар реестри”га киритилиб, зарур ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Икки нафар фарзандига болалар нафақаси тайинланди. Фарзандлар таълими ҳам эътибордан четда қолмади. Ўғли Муҳаммад имтиёзли равишда ҳудуддаги боғчага жойлаштирилди. Қизи Лайло эса математика курсларига бепул қатнаяпти. Бу имкониятлар уларнинг билим олиши ва ривожланиши учун муҳим дастак бўлиши шубҳасиз. Муҳайё опа хотин-қизлар фаоли тавсиянома-си асосида грант ютиб, олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинди. Бундан ташқари, у ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда “Баркамол авлод” марказига ишга жойлаштирилди. Ушбу қўмак оиланинг даромадини барқарорлаштириш, аёлнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина инсон тақдири мисолида бугун маҳалаларда олиб борилаётган ислохотлар, аҳоли вакиллари қўллаб-қувватлаш тизимининг такомиллашиб бораётганини яққол кўриш мумкин.

БЕРИЛГАН КИЧИК КЎМАК — КАТТА КУЧ ҲАМДА ДАСТАК

Ҳар бир инсон эътиборга лойиқ. Шу тамойилга асосланиб иш кўриш фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Элбек ШОЙИМКҲУЛОВ,
Ижтимоий ҳимоя
миллий агентлиги
Тошкент вилояти
бошқармаси
матбуот котиби.

Урта Чирчиқ туманидаги “Бургалик” маҳалласидаги 89 нафар ногиронлиги бўлган фуқарога манзилли ёндашув асосида қўмаклашиб, уларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш орқали фаровон турмуш кечириши учун муносиб шароит яратиб берилляпти. Ўтган йили аҳоли вакиллари 400 дан ортиқ мурожаати қабул қилиниб, 90 фоиздан зиёди ижобий ҳал этилди. Бу жорий этилган тизимнинг амалий самарадорлигидан далолатдир.

Жумагул Ботировада II гуруҳ ногиронлиги бор, ўғли Жаҳоҳир Каримовнинг ҳам имконияти чекланган. Аёл кўриш қобилиятининг чеклангани боис бирор меҳнат тури билан шуғуллана олмаган ва узоқ вақт давомида руҳий тушқунликда бўлган. Маҳалла ижтимоий ходими унинг уйига бориб, ҳолатини ўрганган ҳамда зарур ёрдам ва хизмат турларини кўрсатган.

— Жумагул опа билан илк мулоқотимиз чоғида у бироз тушқун ҳолатда эди — дейди маҳалладаги ижтимоий ходим Мухлиса Абдуллаева. — Аввало, уни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўзига бўлган ишончини қайта тиклашга ҳаракат қилдик. Шу билан бирга, санаторийга имтиёзли навбатга қўйиш, психологик хизмат кўрсатиш, болалар нафақасини тайинлашда ёрдам бердик. Табиий газ ва электр энергияси харажатлари учун компенсация тайинланди, иситиш мавсумида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Энг асосийси, аёлнинг бандлиги таъминланиб, мустақил даромад топиш имконияти яратилди. Буларнинг барчасини инсонпарварлик сиёсатининг амалий ифодаси, деб биламан.



Маҳаллада амалга оширилаётган бу каби ишлар аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда муносиб ўрин топишини таъминлаш ва ҳар бир фуқарога давлат ғамхўрлигини етказишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.



“Янги йилда маҳаллалардаги аҳолини, хусусан, хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, бунинг учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича уч йиллик дастур қабул қилиб, бунга 1 триллион сўм йўналтирамиз. Маҳалла ёшларининг китобхонликка бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида мактаб кутубхоналарини ҳар йили 10 миллион дона бадий адабиётлар билан таъминлаб борамиз”.

“АЗМУ ШИЖОАТЛИ СПОРТЧИЛАРНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ
ЮКСАК ҒУРУР БАҒИШЛАЙДИ”



ШАХМАТ —
АҚЛГА ҚУВВАТ!

СПОРТ — СОҒЛИК ГАРОВИ

Юртбошимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида янги йил арафасида 9-17 ёшли шахматчиларимиз 5 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаганини юксак фахр билан тилга олдилар.



Б у натижа ортида спортчиларимиз учун яратиб берилаётган катта имконият ва шароитлар турганини қайд этмай иложимиз йўқ. Қолаверса, сўнгги йилларда маҳаллаларда соҳанинг ривожлантирилаётгани ҳамда турли тўғараклар фаолиятининг йўлга қўйилаётгани ёшларнинг қизиқишини янада ошираётгани айни ҳақиқат.

Шу ўринда шахматнинг фойдали жиҳатлари хусусида ҳам бироз тўхталиб ўтмоқчимиз. У шунчаки ўйин эмас, балки ақл ва иродани чархловчи ўзига хос “интеллектуал тренажёр”дир. Унинг инсон танаси ва руҳиятига фойдаси илмий жиҳатдан кўп бора исботланган.

- **Мантикий фикрлаш:** шахматчи ҳар бир юришни таҳлил қилади, сабаб ва оқибатларни боғлайди. Бу кўникма ҳаётда тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради.
- **Хотирани мустаҳкамлаш:** ўйин давомида юзлаб комбинациялар ва ўтган ўйинлардаги хатоларни эслаб қолиш талаб этилади. Бу ҳам қисқа, ҳам узоқ муддатли хотирани ривожлантиради.
- **Диққатни жамлаш:** бир соатлаб давом этадиган партияда кичик бир эътиборсизлик мағлубиятга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, шахмат диққатни бир нуқтага қаратишни ўргатади.
- **Ижодий ёндашув:** шахматда нафақат ҳисоб-китоб, балки қутилмаган “қўрбон бериш” ва янгича режалар тузиш каби ижодий жараёнлар ҳам мумкин.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

БУРУН ЮВИШ МУОЛАЖАСИ
КИМЛАРГА ТАВСИЯ
ЭТИЛМАЙДИ?

Шамоллаш туфайли бурун оқиши ёки аллергия ринитдан азият чекаётган аксарият беморларга шифокор бурун ювиш муолажасини тавсия этади.




Дурдона АЛИМОВА,
тиббиёт фанлари номзоди.

Ҳўш, мазкур даволаш усулининг самараси қандай? У кимларга мумкин эмас?

Бурун ювиш — терапевтик ёки гигиеник муолажа бўлиб, куз-қиш мавсумида тананинг юқумли касалликларга чидамлилигини ошириш, инфекцияларнинг олдини олиш, даволаш, бурунни тозалаш ва намлаш мақсадида ўтказилади. Бунинг учун махсус эритмалардан фойдаланилади.

Ушбу муолажанинг бир неча ижобий самараси бор. Жумладан:

- ✓ шиллиқ қаватдаги яллиғланиш жараёнларини бартараф этади;
- ✓ томоқ ва ҳалқумда патоген микрофлоранинг кўпайиши ва унга кириб боришини тўхтатади;
- ✓ бурун йўллари йирингли секретциялар ва шилимшиқлардан тозалайди;
- ✓ бурун шиллиқ қаватида тўғридан-тўғри таъсир қилиши керак бўлган дориларнинг самарадорлигини оширади;
- ✓ бурун ёндош бўшлиқларининг бактериал инфекцияси туфайли яллиғланиши ва шиллиқ қавати шишини бартараф этади;
- ✓ жарроҳлик амалиётидан кейин тикланиш даврини қисқартиради;
- ✓ грипп, коронавирус инфекцияси ва бошқалар билан касалланиш хавфи юқори бўлган даврда маҳаллий иммунитетни оширади.



Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусахҳих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Лекин ушбу муолажани бурнидан мунтазам қон кетадиган, шиллиқ қаватларнинг кучли шиши, эпилептик тутқаноқлар, руҳий касалликлар, бурун йўлларининг обструкцияси, бурун тўсиғининг шикастланиши ёки эгрилиги, аллергия реакция ва эритманинг таркибий қисмларига нисбатан кучли сезгирлиги бор беморларга эътиёткорлик билан бажариш тавсия қилинади.

Бундан ташқари, шахмат инсонни ютқазганда тушқунликка тушмасдан, хатолардан ҳулоса чиқаришга ўргатади. Узоқ давом этадиган баҳсларда шовма-шов шарлиқ қилмаслик, вазиятни охиригача кузатиш сабрни шакллантиради. Тахтадаги ҳар бир юриш учун фақат ўйинчининг ўзи жавобгар. Бу эса мустақил қарор қабул қилиш ва натижа учун масъулиятни ҳис қилишга ўргатади.

Мазкур спорт тури соғлиқ учун ҳам жуда фойдали саналади. Тадқиқотларга қўра, шахмат билан мунтазам шуғулланиш кекса ёшдаги инсонларда альцгеймер ва деменция каби касалликларнинг ривожланиш хавфини камайтиради. Мураккаб вазиятларда хотиржамлиқни сақлаш кўникмаси кундалиқ ҳаётдаги зўриқишларни енгишни осонлаштиради.

Маълумки, Ўзбекистон жорий йилда 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига мезбонлик қилади. Бу спортчиларимиз зиммасидаги масъулиятни икки қарра ошириши аниқ. Шундай экан, пухта тайёргарлик ва мунтазам машғулотлар сари олга!

Шу ўринда “маҳалла еттилиги” вакиллари ҳам ўз ҳудудида шахмат тўғаракларини ташкил этишини таклиф қилган бўларди. Бу билан, биринчи навбатда, ёшларнинг вақтини мазмунли ташкил этишга эришган бўламиз. Қолаверса, янги иқтидор эгаларининг кашф этилиши, юртимизнинг жаҳон майдонидаги натижаларини янадан яхшилашга замин яратади.

Мухим эслатма: шахматда узоқ вақт ҳаракатсиз ўтириш жисмоний толиқишга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, машғулотларини енгли жисмоний машқлар билан бирга олиб бориш тавсия этилади.

Нухриддин АБДУҲОМИДОВ,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси.

Н.КАМОЛОВА.
Тошкент шаҳри:

— Менга 15 соат дарс ёзилган, лекин унинг 10 соатини ўтаман. Директор қолган 5 соатнинг пулини унга беришимни, маблагни мактабнинг турли харажатларига ишлатишини айтди. Бу гапи қанчалик рост билмайман. Директорнинг ортиқча иш соати ёзиб, пулини олиш ҳалолми, менинг бу ишга рози бўлганим-чи?



БАЖАРИЛМАГАН ИШГА
ҲАҚ ОЛИШ ГУНОҲМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расули Акрам соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: **“Ҳаромдан озикланган ҳеч бир жасад жаннатга кирмайди”** (Абу Яъло, Баззор ва бошқалар ривояти).

Директорингизнинг мактаб чиқимларини рўқча қилиб олаётган пуллари ҳалол эмас. Дарҳол бу ишни тарк этиб, тавба қилиши, сизга ўтадиган дарс соатларингизни тўғри ёзиши лозим. Сизнинг бу таклифга рози бўлишингиз ҳам гуноҳ саналади. Чунки шариятимизда маъсиятларга ёрдам бериш ҳам гуноҳ ҳисобланади. Шунинг учун унга қилаётган ишини хато эканини бир иложини қилиб тушунтиринг ва бу иш унинг бошига дунёда ҳам, охиратда ҳам улкан мусибатлар олиб келишини айтинг.



СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Тери саломатлигини сақлашда фақатгина ташқи парвариш билан чекланиб қолмаслик керак. Бу жараён фаол турмуш тарзи ҳамда тўғри овқатланишдан иборат бўлган мажмуавий ёндашувни талаб қилади. Хусусан, ёш кўринишни таъминлаш учун таомномангизга бир қатор фойдали маҳсулотларни киритиш жуда муҳим.

Тўғри таомланиш
тери таранглигини
таъминлайди

Жасур УМАРОВ,
дерматолог.

Витаминларга бой сабзавот ва мевалар

Сабзи, картошка ва қовоқ В-каротинга бой бўлиб, тери ҳужайраларининг янгиланишига ёрдам беради. Исмамоқ, кўк чой ва брокколи антиоксидант манбаи ҳисобланиб, эрта қаришнинг олдини олади. Ўзида С витамини сақлайдиган апельсин ва киви коллаген ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлайди.

Фойдали ёғлар

Балиқ Омега-3 ёғ кислоталарига бой бўлиб, терини қуриб кетишдан ҳимоя қилади. Йил давомида уни истеъмол қилиб юриш яллиғланиш ҳамда тошмаларни камайтиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, ёнғоқ, бодом ва зигир ёғи ҳам саломатлик учун жуда фойдали.

Оқсил манбалари

Тухум ва гўшт маҳсулотлари терини зарур бўлган аминокислоталар билан таъминлайди. Ловия, мош ва нўхот каби дуккакли ўсимликлар эса оқсил манбаи бўлгани боис тананинг микроэлементларга бўлган эhtiёжини қондиради.

Сув ва минераллар

Кун давомида етарли миқдорда сув ичиш терининг умумий ҳолати ва намлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Бодринг, қовун ва тарвуз танани табиий равишда намлайди.

Чеклаш тавсия этиладиган маҳсулотлар

Тери ёрқинлигини сақлаб қолиш учун қайта ишланган маҳсулотларни (консервантлар, шаккар, жуда ёғли, сунъий қўшимчалар кўп бўлган) чеклаш ва аста-секин улардан воз кечиш керак. Тартибли ҳамда фойдали таомланиш нафақат терининг, балки бутун тананинг саломатлигини асрашга ёрдам беради.

Шу ўринда маҳаллаларда фаолият олиб бораётган “еттилик” вакилларига айрим тавсияларим бор эди. Улар халққа яқин ва доимий суҳбатдош сифатида саломатлик борасида керакли маслаҳатларни бериб бориши мумкин. Мазкур йўналишда оилавий поликлиникалар билан ҳамкорлик тизимини янада мустаҳкамлаш зарур. Мутахассислар кўмагида



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шахноза РАҲИМҲУҶАЕВА тайёрлади.

тўғри овқатланиш борасида йўл-йўриқ кўрсатиш, кўплаб касалликларнинг олдини олади. Бунда ҳудуднинг иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот танлаш янада фойдали.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLAR» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 800 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: F120

